

— Маълумки, ҳозирги шароитда меҳнат уюмдорлигига, ҳақ истаъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришишни ижара, оила, жамоа пурдати усуллари ва кичик корхоналарни ташкил этишининг кенг жорий қилиниши бошқаруви демократиялаш, ошқораликка эришиш фидоари ҳамда давлат мафратлари уйғулгининг таъминлаш учун қатъа имкониятлар очмоқда. Бу имкониятлар ўртақларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, турли миллат фараздорларнинг бир-бирига дўст, биродар эканлигини туйғусини шакллантиришда энчиллигини таъминлашга омил бўлмоқда. — дейди Ленин район ҳокимининг Кенгаши ишлари бўйича ўринбосари Юнус Шарипов. — Халқимиз ҳамон кўпинча район Кенгашига муурожаат этмоқдалар. Кенгашнинг кучи бўлган депутатларга таянмоқдалар.

Биз бу ишонччи оқлаш учун ҳамма чораларни кўраётимиз. Кенгашимизнинг 92 нафар депутати фаоллигини янада оширишга интиляпмиз. Айниқса, ХДП аъзолари бўлган депутатларга нисбатан талабчанликни кучайтирдик. Улар ўзлари ишлаётган жойлардан ташқари, ширкат ва кичик жамоаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, ҳақ истаъмоли молларини кўпайтиришни назорат этмоқдалар. Ишлаб чиқаришда сифат ва суръатни таъминламоқдалар. Шу тўғрисида жорий йилнинг биринчи чорагида районда 6051 миң сўмлик ҳақ истаъмоли моллари ишлаб чиқарилишига эришилди.

Депутатлар фаолиятдан

КЕНГАШНИНГ КУЧИ

Дарҳақиқат, бизнинг ахлоқимиз моҳият жиҳатидан фаол бўлиб, ижтимоий ҳаётда ва меҳнатда жонқуярликни, турмуш тартибидан зид бўлган ҳамма нарсаларга муросасизликни кўзда тутди. Районда ўзида худди шу фазилатларни мукассамлаштирган, ота-боболарини мустақиллик сари йўналган ишларини дадил давом эттираётган янги авлод вакиллари депутатлик бурчини ҳам сиқидилдан адо этмоқдалар. ХДП аъзоларидан: Ўрта Осиё темир йўллари бошқармаси қасаба уюшмаси комитетининг раиси Миржамол Назаров, «Ветеран» ательесини бичувчиси Мухаммад Мирсаидов, Тошкент шаҳар аҳолига маъий хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бirlашмаси 2-ательесининг мудири Хасина Орифжоновна сингари ўнлаб депутатлар жамоат ишларида янгиликни жараённинг ташкилотчилари ҳамда ташаббускорлари бўлиб қолдилар. Улар ўз сайловчиларининг топшириқларини бажариш билан бирга, меҳнатчиларни юксак эътибор, ёрқин истиқлолга умидворлик руҳида тарбиялаш, турмушда, ишда, ижтимоий ҳаётда туб ўзгаришлар ясашга даъват этаётир.

Депутат Хасина Орифжонованинг ташаббуси билан автомобиль ва йўллар қурилиши муҳандислиги олийтоҳуни олтинчи ва бошқа ётоқхоналаридаги иссиқ-совуқ сув босими нормаллашти. Нафақахўр депутат Пётр Яковлевич Никитининг араслашуви билан эса, кенсаларга ўз уйда тибиий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу ишга район соғлиқни сақлаш бўлими алоҳида машина ва етарли тиббиёт ходимлари акратди.

Район Кенгаши депутати Сайфулла Ширинова сайловчилар топширигини бажаришда шаҳар Кенгаши депутати Геннадий Захарович Углини маладга келди. Икки Кенгашнинг депутати сайловчиларнинг қўйилди ҳақасида кинотеатр ва спорт мажмуаси қуриш ҳақидаги топширини биргаликда бажаришга бел боғладилар. Улар ўз ваколатлари бўйича ҳаракат қилиб, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга муваффақ бўдилар. 1993—94 йилларда қурилиш ишлари бошлангич режалаштирилмоқда. Бу — нафақат депутатлар, балки миллатлар ҳамкорлигининг ёрқин мисоли. Кенгашлар қудратининг тямсолдир.

Аммо район Кенгаши депутатлари сайловчилар топширини бажаришда баъзан яқинликни қўлайтилар. Улар райондаги республика ва шаҳар тасарруфидаги корхоналар, нуфузли ташкилотлар раҳбарлари олдида кириш, сайловчилар топширини ҳал этиш жараёнида турли тўсиқларга ва муаммоларга дуч келишляпти. Шунинг учун район Кенгаши район ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳақ депутатлигига сайланган 4 киши ва шаҳар Кенгаши депутати бўлган 18 киши раҳбарлигидаги 14 та депутатлар гуруҳи ишларини жадаллаштириш лозим. Бу гуруҳларга шубҳасиз район Кенгаши депутатлари аъзо бўлиб киришган. Район Кенгаши депутатлари ўз ваколатидан юқориқ доираларга ана шу гуруҳ раҳбарлари орқали таъсир кучини ўтказиш чораларини кўришлари даркор. Ушанда сайловчилар топширини бажариш бирмунча осонлашади. Бундай иш юритишдан район Кенгашининг таъсири ошса ошдики, асло камаймайди.

Чунки, ҳар бир гуруҳ депутатлари собитқадамлик билан ишлаб, маданий-маърифий муассасалар, ҳуқуқ-тартибот органлари, бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари-нинг куч-ғайратларини маълум йўналишга мувофиқлаштириб туради. Турли текширишлар ўтказида, танқид учун таъкибга йўл қўймайди. Бундай вазиятдан илҳомланган, ўзини эркин ҳис этган депутат олижаноб мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун тагин ҳам дадиллашиб, елиб-югуриб ишляпти. Ўз навбатида депутатларнинг бундай ишчанлиги Кенгаш нуфузини янада оширади, унинг таъсир кучи кенгайди.

Худойназар ҒОБИВОВ.

ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

ГЎЗАЛ табиятни, атроф муҳитни асраш ва муҳофаза қилиш йўлида қуриляган тadbирлар яқин натижалар бермоқда. Бу муҳим ишда илмий муассасалар ва олий ўқув юрлари мутахассис олимларининг ҳам иштироки катта бўлмоқда. Чунки, Тошкент давлат техникуни дорилфунуни томонидан ишлаб чиқилган тасвирлар ҳам бу борда жуда қўл келмоқда.

Олий ўқув юртининг бир ким ишсиз қолмади. Шундай бўлишига қарамай баъзи бироялар ўрганиб қолган жойидан иккинчи ерга кетишни истамадилар. Шу сабаб корхона маъмурияти қисқартириш ҳақидаги бўйруғини бекор қилди.

Тошкент қўлимачилик комбинатида қозир ҳам қисқартришлар бўляпти. Лекин ишдан кетатганлар кимлар? Комбинатда қисқартириш қасаба уюшмаларни қарори билан бўляпти.

Эрталаб соат 8 да комбинатнинг барча эшиклари ёпилади. Қорозулар соат 8 дан кейин ишга келатганлар, иш қийинда комбинат куладидан чиқиб кетатганлар рўйхатини тузишда ва ун қасаба уюшмасига баришди. Бундай рўйхатга тушган ишчининг ишчи қасаба уюшмаси мажбуриятда муҳофизат қилинади. Ва унинг бу ерда ишлаб қо-

ҲАЁТДА яқин яшаш орузуси инсоннинг азалий тилаги. Шу истақ йўлида у тинимсиз меҳнат қилади, турли режа ўйлар оғушида юради. Албатта бу олий ният. Аслида яшамондан мурад ҳам шу. Лекин инсонинг ҳам унутмаслик керак. Ана шунга амал қилган киши инглимайди. Орузу экан деб фақат ўзи йўлаб ўзгани нунтиш бу энди шахсиятпарастликдан бошқа нарса эмас.

Уй-жой олиш истагида муҳарририятимизга муштарийлардан келаятган кўп сонли мактувларни ўқий туриб беихтиёр ҳаёлга ана шундай фикр келади. «Отам уруш ноғирони, у жанггоҳларда қон кечиб Берлингача кириб борган дуюрак инсон. Шундай одам уйимиз торлигидан ҳозир оламникида яшамоқда. Икки хонали каталакдек уйда бутун бошли бир оила турамиз. Наҳотки отамга шу вангтача имтиёзи уй олиш ҳуқуқи берилмас? Ахир уруш қатнашчилари бўлган ғамхўрлик шуми?»

Мактуб билан танишган, отасига ўта меҳрибон бўлган бу ўғил билан кўришиш ва ҳақиқий аҳволини билиш истаги туғилди бизда. Белгиланган манзилгоҳ бўйича йўл олдик. Эшикни ясан-тусан аёл очди.

— Салимовлар оиласи шу ерда турадими?

— Ҳа, — жавоб беради аёл бизга сирли тикилиб.

— Биз «Оқшом»данмиз. Муҳарририятимизга хат йўллаган экансизлар.

— Вой, ҳақиқат бор экан-ку дунёда. Минг раҳмат сизларга. Мушқуллимизни осон қилганлариниз учун, — аёл уларнинг торлиги, яшаш шароитининг ноҳорлигидан шикоят қила кетди.

— Шунинг учун ҳам қайнотам қизлариникида яшаптурган. Мен ҳам келин бўлиб хизматларини қилсам дедим, — деб қўшиб қўйди охирида меҳрибонлик билан.

— Икки хонали уйда неча киши яшайсизлар? — сўраймиз ундан.

— Уч хоналик уйимиз.

— Хатда икки хоналик деб ёзилдиби. — Акангиз янглишган бўлсалар керак-да. Уйда тўрт киши тураимиз. Мен, эрим, икки қизим. Аслида бу жой бизнинг оиламиз учун етарли. Лекин қайнотам тор жойда қийналиб қоляптилар-да. Ўзлари уруш ноғиронлари. Берлингача борганлар.

Қўни-қўшинлар билан учрашдик.

— Энди меҳрибончилик қилиб қолишбдими, бечора чолни уйдан қувиб чиқаргунча ўлиб булишдику. Яхшиям кўеви дёнатли йигит экан. Ушга олиб кетди. Бу хат эса курмак орқасидан сув ичи қолши мақсадида ёзилган, — дейишди улар.

Оталари ҳақида сўз кетганда эр-хотин у кишининг уруш ноғирони эканлиги, Берлингача борганлиги ҳақидаги сўзни тез-тез тақорлаб туришлари боисини мана шунда тушунади.

Салим ота билан суҳбатлашамиз. — Келин билан ўғлим ҳартугул яқиндан бери мени тез-тез йўлаб қўлишганининг сабаби шунда экан. Худо нисоф бериб қўлибди, десам тагин тагинда нимкоса бор экан. Аслида менга ҳеч қанага уйнинг кераги йўқ. Қизимникида яқин яшайман. Майли, нима бўлганда ҳам болаларим. Улар орқамда қолсин дейман. Ҳар қалай уларга гап тегмайдиган иш бўлсин.

Бундан қандай хулоса чиқариш муштарийларнинг ўзларига ҳавола.

Мана яна бир бошқа мисол. Бўлимизга бир киши кириб келди.

— Бу қанақаси, — деди у томдан тараша тушгандек. — Менга қачон уйимни алмаштиришга ёрдам берасизлар?

Саволни ҳазм қилмай турганимизда у яна довулади:

Юқорида баён этилган ушбу воқеалар тафсилотини ёза туриб, беихтиёр бир ибратли мисолни эслаб қолдик. Бундан бир неча йиллар муқаддам шахримизда бизга йирк бир корхонада бўлганимизда бизга шу ҳақда сўзлаб беришганди. Абдурашид ва Сергей квартира олиш учун навбатда туришарди. Абдурашид биринчи, Сергей иккинчи навбатда экан. Бир тасодиф тўғрисида Сергей оламдан бевақт ўтибди. Шундан кейин кўп ўтмай корхона битта квартира берилди. Уни навбат бўйича Абдурашид олиши керак эди. Лекин у бундан воз кечиб мана шу уйни ҳаммаси Сергейнинг оиласига беришни таклиф этади.

Ана бунинг чинакам одамийлик деса бўлади. Буниси ҳар қандай инсонни қўлидан келавермайди.

ёки фавқулодда тузилган ҳайрат қарорига биноан муддатидан илгари уй-жой олишга ҳақлидилар. Ленин баъзи район ҳокимлик маҳкамаларининг бу масалага етарли эътибор беришмаётганлиги кишини таажубланганди. Бундай кишиларга ордери бериш ишлари пайсалга солинатганлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Бунга мисол тарқасида ушбу мактубни келтириш керак.

«Хурматли муҳарририят, мен Октябрь районидаги Самарқанд дарвоза маҳалласининг Хуррият боши берк қўчасида яшовчи беш фарзанднинг онаси Матлуба Қосимоваман. Гап шундаки, ўтган йилнинг декабрь ойида болшимизга оғир мусибат тушиб яшаб турган иккинчи кичкина уйимиз сув тагида қўлиб қулаш даражасига келди. Аризамиз бўйича келган район вакиллари уйни бутунлай яроқсиз деб топиб муҳрлашди. Беш бола билан қўлда қолдик. Яхшиямки, ҳовлимизда ҳаммом бор экан. Киши билан ўша ерда жон сақладик. Ҳайрат қандай биноан район ҳокими ўринбосари ўртоқ Ғ. Юсупов бизга Сергели районининг 5-маевеида жойлашган 16-йилнинг 26-квартираси ажратилганлигини айтди. Жой танлаб ўтирадиган шароитда бўлмаганимиз учун бу таклифга бажонидил розилик билдирдик. Лекин минг афсуски район уй-жой бўлими бизга ажратилган хонадонга ордери ёзиб беришни ҳар хил баҳоналар билан шу вақтгача пайсалга солиб келмоқда. Ахир қачонгача ҳаммомда яшаймиз?»

Фўқаро Матлуба Қосимованинг ҳақли талабига эътибор қаратишни Октябрь район ҳокимлиги маъмуруларидан сўрабдик. Наҳот бир оила яъни етти киши шундай ночор аҳволда яшасо, бунинг кўриб қўрмасликка олинса? Қани энди бу ерда биз юқорида айтган адолат таразуси?

Шу районнинг 3. Қобилов кўчасидаги 43-уйда яшовчи Улуг Ватан уруши нагашчиси, 1-гурӯх ноғирони Аҳмад Ниезовнинг мактуби ҳам эътиборлидир.

«Эн кўчанмаздаги оғза суварлар ариқ йўқлигидан тўғри келиб уйимиз деворига урилди. Натияжада яшайдиган хоналаримиз зах босиб шўралаб кетди. Бу тўғрида маҳалла қўмитаси раиси Этамберди Ғуломов ёрдам сўраб район вақарлар кенгашига муурожаат қилди. Шундан кейин ўтган йилнинг 14 февралда район ижтимоий комитетининг 268/22 қарори билан таъмирлаш учун бизга 1000 сўм ажратилди. Лекин ҳалигача на пулдан, на таъмирлаш ишидан дарак бор».

Бунисига энди нима дейсиз? Ахир сансалорлик ҳам энди билан-да. Наҳотки бир йилдан бери бир оила таъмирловчилар келишини тоқат билан кутаётган бўлсоа биров уларнинг ҳолидан хабар олмасиз?

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Уй-жой қурилиши ва тақсимоти «Оқшом» назоратида АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Ҳукумат одамларга ёрдам берсин, деб тағларингизга стул бериб қўйибди. Сизлар бўлса нима билан шуғулланиб ўтирибсизлар. Қани меннинг ишимни ҳал қилиб бермай кўрларингиз? Устиларингдан кимга шикоят қилишни ўзим биламан.

Унинг яшаш жойини ёзиб олдик-да эртага бориб албатта текширишга ваъда бериб арағ жўнатдик.

Етти кишидан иборат бу оила Юнусободнинг 15-маевендаги уйлардан бирини беш хонали квартирада яшар экан.

— Турар жойингиз яшовчилар учун етарли экан. Нега уни алмаштироқчисиз, деймиз шикоятчига.

— Рўпарамдаги қўшим ярамас. Шунинг учун янги уй талаб қилганим ҳукуматдан. Бунинг нимаси ёмон. Ахир «ҳовли олма, қўшни ол» деган гапни эшитгандирсиз.

Уялмай-нетмай айтилган гап мана шу. Шунинг учун ҳам кўшнисидан «безор» бўлган бу киши уй алмаштириш мақсадида қанча нуфузли идоралар хизматчиларининг бошини қотириб юрибди. Қолаверса, маҳалланинг эътиборли одамлари гапларига қараганда айб қўшнида ҳам эмас экан. «Ҳовли олма, қўшни ол» деган мақолни мағзини ўта чада билган бу инсон, наҳотки, «минг ўйлаб бир

Гап уй-жой хусусида борар экан, бу масалада баъзи чалқаш фикрда юрган ҳамшаҳарларимиз эътиборига бир неча рақамларни ҳавола этишни лозим кўрдик. Ҳозир шахримиз бўйича уй-жой олиш навбатига турганлар сонини 70 миңдан ортиқ кишини ташкил этади. Ўтган йили эса ҳаммаси бўлиб 5 миң 500 кишигина уй-жой билан таъминланди. Яъни бу бир йилда шунча оила синадиган уй-жой қурилди, демакдир. Ана шу рақамлар бир-бирига чоғиштирилса охириги навбатда турган киши яна неча йилдан кейин уй олиши (агар қурилиш ҳамми ўтган йилги миқдордан тўшмай турса) аниқланади.

Қўриб турибсизки уй-жой таъминоти «ҳовла пиш, оғзимга туш» мазмунидан анча йироқ. Бунинг устига ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар ишнинг белига тепмоқда. Қурилишлар қўлами тобора пайсалга борапти. Бу билан биз бировага тасалли бермоқчи ёки яшаш шароитини биринчи навбатда кун тартибига қўйганларга панд-насихат қилмоқчи эмасим. Лекин ҳар қалай масалага оқилона, адолат таразуси ювасидан ёндирилса ортинча асабузариликларга йўл қўйилмаган бўлармики демоқчимиз ҳолос.

Тўғри, уй-жойга муҳтож, ўта зарур оилалар кўп. Улар имтиёзли равишда



1-автокорхона шахримиздаги йирк корхоналардан саналади. Унинг кенгайтирилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу ерда ҳозирги куни шароитидан келиб чиқиб соҳага оид изланишлар олиб борилямоқда. Улардан бири автобуслар учун ахтнёт қисмларини қайта ишлаш ва уни фойдаланишга тadbир этишдир. Ушбу суратларда машиналардан ва унинг ахтнёт қисмларидан авайлаб фойдаланиётган ҳайдовчилар, чиангар ва корбуорт таъмирловчилар тасвирланган.

Андрей Пашинеко суратлари.

УСТОЗЛАРНИ УЛУҒЛАБ

ИЛМ-фан йўли — нури йўл. Бу нур одамлар ҳаётига, турмушига, бахтли яшашига доимо нурафшонлик бахшида этиб туради.

Кимки ҳаёт шайхиди, илм ила ёқди, Ҳаёти асрлар сўнмади, балқиди.

Аллома Мирза Бедилнинг бу ҳикматиини ўқиб туриб, беихтиёр бутун истаъдодини, билимини ва олижаноб фазилатларини инсонларга сингдиратган муаллимларни ва илм аҳдларини ёдга олсам киши.

Йилда пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Ҳаким Мусаев номли 38-мактаб педагогик жамоаси, район халқ таълими бўлими раҳбарияти ва кенг жамоатчилик ўзининг бутун умрини фарзандларимиз камолига бахшида этган 18 нафар устоз муаллимни нафақага музатиш шарофига ёзилган оқ дастурхон атрофига жамулжам бўлди.

Мактаб фахрийларига бағишланган тантанали маросимни жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов олиб борди.

Октябрь район халқ таълими ходими Эргаш Пўлатов, ўқитувчилар Гулзода Алимова, Ғайрат Зунуннов, Шукрулло Ҳакимов, меҳнат фахрийси Фатхулло Нарзуллаев ва мактаб раҳбарияти ўз ҳаётини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган кенас муаллимларни чин дилдан кутлаб, уларга соғва-саломлар топширдилар.

Тантана сўнида хушовоз хонанда Султонпошша Удаева ўзининг дилрабо қўшиқлари билан барча йигилларни хушнуд этди.

Мамлакат САЙДАЛИЕВА, 38-мактабнинг илмий мудири.

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт ЁШЛАР ВА ИШ БИЛАН БАНДЛИК

лиш ёки қолмаслиги ҳақидаги масала ҳал қилинади. Бу нарса ишчилар орасида ўз ишига бўлган масъулиятликлани оширяпти. Айни чоғда комбинатга янги ишчилар ҳам қабул қилинмоқда.

таништириш ҳақидаги илтимосимизга рад жавобини бердишди. Озгидан келган, ёши 20—22 лар атрофидаги бир йигит билан суҳбатлашдик. Ундан бу ерга келиш сабабини сўрадик.

— Ҳа, борардим, — дедим қатъий жавоб берди у. Унинг айтишига қараганда баъзи бироялар ишнини қилдириб, ҳақини тўлашдан бош

Октябрь район меҳнат биржасида биз аҳолини ишга жойлаштиришнинг аҳоли ва иш сўраб келаятганларнинг неча фоизи ишларни ташкил қилиши билан қизиқдик. Ле-

— Талабаман. Баъзан мана шу бозорда озгина пул ишлаб олам.

— Бирин-бир ташкилот сизга вақтинчилик — ўқинишдан бош вақтингда шуғулланганидан иш топиб бера, бо-

ли кишига биз мана шу ишларни ижарага олиб ишчиларнинг ишлаши учун имконият яратиб берадими. Бу корхона учун ҳам фақат фойда келтиради, ҳолос.

Шаҳар ишлар комитетининг навбатдаги III пленуми кун тартибига қўйилган масала ҳам асосан мана шу муаммоларга бағишланган. Ешларни иш билан таъминлаш ҳақида таклифлар ҳам, ташаббуслар ҳам кам эмас. Лекин улар маҳаллий ташкилот, корхона ва муассасаларда қўллаб-қувватланмас экан, бу ўша текуччилик билан гегириб, шундай дейди:

— Маълумий тежаш мақсадида мажбурий равишда ишчиларни қисқартираётган корхоналар аминликни ишчи кучига муҳтож. Цехлар, дастгоҳлар бўшаб қоляпти. Агар корхона раҳбарлари рози-

«Чорсу» мардикор бозорига иш излаб келаятганлар сонини боради. Уларнинг аксарияти ишлар. Уларнинг икки гуруҳи йўл қўймайдими, биландик, кўпчилик бизнинг ўзини

— Талабаман. Баъзан мана шу бозорда озгина пул ишлаб олам. — Бирин-бир ташкилот сизга вақтинчилик — ўқинишдан бош вақтингда шуғулланганидан иш топиб бера, бо-

Октябрь район меҳнат биржасида биз аҳолини ишга жойлаштиришнинг аҳоли ва иш сўраб келаятганларнинг неча фоизи ишларни ташкил қилиши билан қизиқдик. Ле-

— Талабаман. Баъзан мана шу бозорда озгина пул ишлаб олам. — Бирин-бир ташкилот сизга вақтинчилик — ўқинишдан бош вақтингда шуғулланганидан иш топиб бера, бо-

Шайда ХУДОЕВОВА.

Ўзбекистон-Туркия:

ДИЛЛАРИМИЗ, ЙЎЛЛАРИМИЗ МУШТАРАК



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов Туркия Республикасининг Бош вазири Сулеймон Демирал жанобларга соғва топширмоқда.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ИҚБОЛИМИЗНИ НУРЛАНТИРАДИ

ИЛГАРИ собиқ СССРга келган катта давлатлар раҳбарлари барча ишларини Кремлда битириб, кейин кетиш олдидан томоша қилиш мақсадида Самарқанд, Бухоро ва Тошкентга учиб келишарди. Бу ерда зиёфату обдон навозишлар олиб, тарихий ёдгорликларни сайру томоша қилиб, кейин тантанавор кетишарди. Бизлар сайёҳларга хизмат қилувчи, Оврупо тили билан айтганда «гид» бўлиб, серрайиб қолаверардик... Шарномалар, ҳужжатлар, олд-сотдилар, сийсату ва ҳатто маданий алоқалар ҳам аллақачон Кремль қалъасида ҳал қилинган бўларди; Самарқанддаги бузилиб кетган Амир Темур саройини Регистону Бухородаги Арк, Тошкентдаги Юнусхон қургон Қўрғону Урда, Хевадаги Дошқовлиқ Нуруллабой дорусалтанатларининг бир пуллик аҳамияти қолмаган эди. Бизлар шалвираб қолган арава — собиқ катта мамлакатнинг «винтик»лари эдик, яхши кийиниб, молага қўйган тасқарадек гўдаиб туришдан, келганларга мувозабат кўрсатишдан бошқани билмасдик. Киши тураверса, димқиққан сассиқ хидди хонага ҳам ўрганиб қолади. Ҳаёт шунақа бўларкан, ахир еганимизни еб, ичганимизни ичиб юрибми-ку, деб шукр қилардик. Ҳаётимиз, қариндош-уруғларимизга раҳбарлик қилиш ҳам собиқ марказ ихтиёрига ўтиб кетган эди. Илгари қўролмаган нарсалар энди кўзга ташланмоқда. Гўлчагу ёлдирақлари бўшашган шаддирак арава ортиқ юрмайди, тўзиди... Бу аравадаги кишилар — қариндош-уруғлар энди ўзлари ўз оёқлари ва ақл-идроқлари билан манзилга етмоқлари керак.

Иншола, оиналар — қавму миллатлар ўз йўлларини топиб олдилар ва ёрқин манзилгоҳга етадилар. Оғир кунларимизда, яъни мустақиллик учун кураш жараёнида биринчи бўлиб бизга қўмағу дадда берган узоқдаги қариндошимиз турк халқи ва унинг раҳнамолари бўлди. Бу ҳаммага аён, яширишнинг ҳожати йўқ. Президентимиз Ислам Каримов халқимиз топшириғи билан Туркияга борди. Истамбул, Анқарада Туркия Президентини Тургут Узол ва Туркия Бош вазири аъзами Сулеймон Демирал ҳазратлари билан учрашиб, мустақил давлат раҳбарлари сифатида ҳужжатлар имзоланиб, ақду паймонлар қўрилди. Юз йил мобайнида биринчи марта ўз давлати, ўз жумҳурияти номидан муҳим шартномалар имзоланди, жуда кўп ҳаётий масалалар келишиб олинди. Мусулмон халқларининг асрий таомилига кўра, турклар

Ўзбек Президенти қадамига катта қўқор сўйди. «Турки йўл» партиясининг раиси, буюқ давлат арбоби, Туркия жумҳуриятида жуда катта оғуруға эга бўлган Сулеймон ога Демирал ҳазрати олийлари бизнинг Президентимизни бағрига босиб, кучди, юз йил кўрнмаган айрим сабабларга кўра узоқлашиб қолган оғанини — кўзларига — би олиб, бир-биринга меҳр ила боқдилар. Кейинчалик Сулеймон Демирал ога билан биз, фан ва адабиёт арбоблари ҳам учрашдик, ниҳоятда бизларга нисбатан меҳру муҳаббат билан юраги тўлган омира эканини, бизларни ўз иш-гарилари, деганини эшитдик, бу айём гоётда самимий ўтганини қайд этмоқ лозимдир. Кўндан буён бундай буюқ давлат вақилидан лутфу карам, иззату икром кўрмаганимиз, тилимиз, динимиз камситилди, «Ўзбек иши», «Пахта иши», «босмасчи»... каби турткилаш ва ҳақоратлар дилларимизга озор берган эди. Биз ва қорақалпоқлар сўймаганга сўйкамга деб, дилимизда ўз аламу қайғуларимиз билан четда қолган эдик. Президентимизни кўчган бағри кенг Сулеймон Демирал ога бутун ўзбек халқини кўчгадди бўлди. Камина бир адиб сифатида унинг билан учрашиб, қардош турк халқи раҳбарининг ким эканлигини пайқадим. Бош бақан, яъни Бош вазири Сулеймон ога биринчи галда ҳаммамизга ўхшаган гоётда камтару одамхон, кишилар билан теъда тил топа оладиган бебаҳо инсондир. Мен буюқ мамлакат раҳбариман, деб ўзини биладиган тўтиб, калондимоғлиқдан мулқлоқ узоқ. Заковатли, мураккаб масалаларни тез ва яхши ҳал қила оладиган, бунинг устига бағри очик, سخаватли арбобдир. Туркиянинг йўлбошчиси, биринчи Президентини Мустафо Намол Отатурк монанд жасоратли ва доно ташкилотчи эканини ҳаммамиз пайқаб турибмиз. Унинг сўзи билан иши бир эканини туркларнинг ўзлари ҳам айтдилар. Ишончаним, у раҳбарлик қилаётган Туркия мустақил Ўзбекистонини оёқга туриб олшидагинагина кўмак беради. Туркиянинг халқларига сийсати осмонда чамқокдек ярираган, ифтихоридега ҳам халқ фаровонлигини ююрига кўтаришда дунёда номг ярираган Сулеймон Демиралнинг Ўзбекистонга ташрифи эйтиши, икки оғанини халқлар иқболини янада нурлантиришига имоним қомил.

Биз энди мустақил Ўзбекистоннинг эгалари сифатида Сиз, жаноби олийларини ўз туپронимизда қабул қиламиз, қадамимизга ҳасанот!

— Мухтарам Лутфулла ога, сиз билан суҳбатимизни қандай бошла- сак экан! Яхшиси, келинг, олис йилларни яна бир қарра эсга олай- лик...

— Марҳамат. Ҳазрат асли кўк- ликман. Исфаргазуар, Ғарибўрис- тондаги Толли кўчининг 16-уйида таваллуд топганман. 1925 йилнинг 21 мартда дунёга келган эканман. Пешонамга узоқ йиллар сарғардон- лик битилган экан, барча хурсандчи- лигу аламларини тотиб кўрдим.

Йўдан 1932 йилда чиқиб кетдик. Икки йил Кўкон атрофидаги тожиқ- ча гапашадиган Понғоз, Шойдон, Хўжақуруқ қишлоқларида қолиб кетдик. Сўнгга Тожикистонга ўтиб, Қўрғонтепаннинг Гўҳаланг райони Қумсангир мавзисига ҳам 2,5 йил нон-насиба толиб эдик. 1937 йилда Афғонистонга ўтдик.

Бутун оила аъзолари талай машаққатлар кўрибсизларда, оғай! — Мен сизга айтсам бир ярим яшарлигимда отам қаза қилдилар. Аям Биби Каромат иккинчи марта турмуш қўрдилар. У кишидан икки ўғил кўрдилар: Абдурахим ва Аб- дудхамид. Афғон сари отлангани- мида Абдурахим отаси билан қол- ди, Абдухамид биз билан кетди. Аям учинчи бор Мирзо Абдулло деган кишига турмушга чиқдилар. Ўғай дадам понғозлик эдилар. Хоринга бирга кетдик. Аям яна уч фарзанд кўрганлар: 2 ўғил, бир қиз. Ўғил укаларим чақоқлигимда жон таслим этишди. Сиклим ҳозир ҳаёт.

Хуллас, ўғай дадам, укам, син- гим, тоғам Абдулхай маҳсумларини ташлаб, Кобул сари равона бўлдим. Ушанда 15 йил эдим. Не қилай юрагим қисилади. Йўлда кўнгилга ўрнашиб қолган бир воқеа бўлган, айтиб ўтмасам бўлмас.

Маймана билан Ҳирот ўртасида Каррух деган жой бор. Шу ерда Кўконнинг сўнгги хони Худоврон- нинг қабрлари бор экан. Зибрат қилдим. Ривоят қилишларича Худо- врон Мақкада бир муддат яшаган. Мешқобчилик, ҳаммоллик қилган. Кўкондан хожилар келишганда, уларнинг бири Худовронни таниб қолган. «Сен менинг акамга шу- ча зулм қилгансан» деб тош би- лан уриб Худовроннинг тишини синдирган. Худоврондан ундан кў- қиб Каррухга қочиб келган. Шу ерда Аллоҳга омонатини топшир- ган.

Мен Каррухга борганимда, бу кишининг қабри деб сўраганимда Худовроннинг дейишиди. Бош томо- нида бир туپ дарахт бор экан. Уша томон анча чуқурлашиб қолган. Маълум бўлишича Каррухга келган- лар тупроқдан ҳада тарзида олиб кетар эканлар. Болаларининг кўзи оғриса, сурсалар шифо топишар экан. Шифо Худовронданми, ту- проқданми, Аллоҳданми, билмадим валлоҳ аълам...

Йўл-йўлакка қайси шаҳарда бўл- сак юзлаб, минглаб ҳамшаҳарла- римиз кўрдим. Уларнинг кўчлиги турли касблар, масалан шойи тў- қиш, қаушудўзлик билан машғул эканлар.

Қандаҳор билан Ҳирот оралиғида Чақисар деган ҳавоиси ниҳоятда иссиқ, қумлоқ сувсиз жой бор. Бу ерга 1938—42 йиллар орасида Аф- ғон ҳукумати ҳамюртларимизни суртун қилган. Бу зулм, хўрликни ўша ерда бўлган кишилардан сўраб- сурштирмоқ маъқул. Мен Ҳиротга муфти Садриддинхон ҳазратларини зибрат этгани борганим. Ул зот Қандаҳорга кетган эканлар. Излари- дан келсам, вафот этганларига уч кун бўлибди! Дуюй фотиха Қўбу- л Бордиги, Қобулдаги ватандошлар мен отим бўлганим учун ўзларига зта чиқиб, бир сартошга шогирд- ларим берадилар. 1942 йилларда мухожирлик ҳаётимдаги энг катта воқеаларим саркарданлик Абду- рашидовнинг ўлими ва амридн Бу- рон Олимхоннинг ҳаётдан кўз юмичи бўлди. Бир мусулмон сифа- тида жанозада қатнашдим.

Ога, Туркияга қандай ўтганимиз борасиздаги ҳикоятга қайтасан... — Афғус, сарғардонлигим бу, би- лан тугаман экан. Мухаммадсоли- исмлик киши билан Афғондан қочиб, Пешаварга, Ҳиндистонга келдик. У ерда уч-тўрт кун оч қолиб, марди- қор ишлаб бир бурда нон топдик. Кўп қийналиб Дехлига етиб келдик.

— Жоме масжиди деб эъланган трамвайга ўтириб, масжидга бор- дим. Масжид ҳали ҳам кўзганимиз олдига турибди: маҳобатли, улуг, заррин бўёқлари мунаққаш. Уни Бобурнинг авлодларидан бири қур- ган экан. Тарихи, эшитганим албет- та, бундоқ турур: Бобур авлод- ларидан бири пайгамбаримизни туш- ларида кўрибсизлар. Ул зоти боу- ракот: шу ерга Байтулмақаддасдаги каби масжид қур дебдилар. Мас- жидни қуриб, узоқ вақт кулфлаб кўйибди. Бир кун тушида пайгам- бар келиб, масжидда юнбондилар. Шундан кейингина масжид ибодат учун очилди. Пайгамбар юнганг жойга эса марвар тошлар қўйил- ди. Белгиланбди.

Жаҳонгашталигим бу билан туга- мади. Тўрт йил Мақкада истиқомат этдим: У ердан Сулай, Миср, Луб- нон, Сурияга келдим. Бу юртларда ҳам кўрган-кечирганларимни айтсам катта бир китоб бўлувсиздир. Ни- ҳоят 1950 йилнинг охирида кўним топдим: отаси Бухорои шарифлик, онаси марғилонлик бўлган бир ки- гага уйландим. Биринчи ўғлимиз 1952 йилнинг бошида туғилди. Уша йили Туркия ҳукумати ўз юртидан ташка- риде бўлган барча туркистонликлар- ни — ўзбеклар, тожиқлар, қозок- лар, қирғиз, қорақалпоқларни му- хожириликка қабул қилиш ҳусусида эълон қилди. Эълон шартга кўра мухожирлар 5 йил солиқ тўламас- ликлари, болалари эса ўқишлари, уй-жой, ер-сув билан таъмин эти- лишлари белгиланган эди.

— Акангиз борми? — деб сўра- дим.

— Йўқ, — деди у дарҳол.

— Укамгиз борми?

— Укам ҳам йўқ, — деди у чўрт кесиб.

— Дадангизнинг номи Муҳиддин, онангизнинг номи Биби Каромат. Хўп десангиз ҳам, йўқ десангиз ҳам мен сизнинг акангизман, — дедим. Сурашдик. Суҳбат бошида тилга олганим Исфаргазуарга бордим. Уйим сақланиб қолган экан. У ерда узоқ хешларимдан бири яшар экан. Бу, яъни иккинчи келишимга бир ҳамшаҳрим Нуруллонинг тақлифи сабаб бўлди. Ул зот рафиқаси би- лан Истамбулга борганда: «Кўконга боринг, ҳамма ерни кўрсатаман деб ваъда қилган эди. Барка топ- син, айтган сўзининг устидан чиқ-

*** Хориждаги ўзбеклар**

ОЛИЙ ҲУРМАТ БЕЛГИСИ

О Тижоратчи Лутфулла Темур — Маҳсум оғанинг юртимизда эканини эшитиб, у киши билан дийдорлаш- моқ истаги туғилди. Афғуски, ул зот водийда ёру биродарлари ила уч- рашиб кўнгилларини ҳол этмоқда эканлар. Яна бир ҳабаб: Лутфулла оғанинг муборак таваллуд кунлари юртимизда Наврўз кунлари нишон- ланди. Мен излаганимдан ҳе- бар топиб, учрашуга даъват қил- дилар. Ниҳоятда самимий, дилнаш бу инсон бир лаҳзада мени мафтун этдилар.



1952 йилда Туркиянинг Одана шаҳрига келдим. Нега буналчиқ тез деб ўйларсиз? Чунки бошқа ерлар- да бизга қақирмаган меҳмон деб қарашарди. Тақрибан 5000 оила Тур- киёда кўним топди.

— Барангиз аҳлиминислар, иноқ- мисизлар!

— О, нимасини айтасиз! Барча бир-бирини қаттиқ эсизат қилди. Қорига ярайди. Ҳар бир хонадонда 4 дан 12 гача фарзанд бор. Минг шукри болаларимиз муҳандис, дўхтур, тужор касбларини эгаллай- дилар, ном таратадилар.

— Узингизнинг оилангиз ҳақида сўзламадингиз, Лутфулла оғай!

— Беш ўғил, икки қизим бор. Икки ўғлим Ливияда туркча-арабча таржумон бўлиб ишлайдди. Бир ўғ- лим эса муҳандис. Яна бири сўғурта ширкатида ишлайдди. Бир ўғлим ку- рувчи-муҳандис. Бир қизим компю- тер билан ишлайдди. Яна бир қизим молячи. Тўрт ўғил, бир қизим уйли-жойли бўлиб кетган. Янгангиз эса уй бекаси.

— Ҳали ҳам Одана шаҳрида исти- қомат қиласизми?

— Йўқ, йилгизми йилдан бери Ис- тамбулда турмоқдамиз.

— Турк халқи билан туркистон- ликларнинг муносабати қандай? Саволим гапатороқ туюлса маъзур тутинг, оғай...

— Турк халқи бизни ниҳоятда се- вади: Туркияда яшаётганларим ҳам, бу ердakilарим ҳам. Туркистон ота юртимизга деб фахр билан айтиша- ди. Муносабатларимиз ниҳоятда самимий, дилнаш.

Туркия жумҳурияти Ўзбекистонни биринчи бўлиб таниди. Келган ва келиб турган моддий, маънавий ёрдамларини бирлик, қардошлик бур- чиниз деб билишеди. 3000 талабни бепул ўқитиш ҳақида келишиб олинди.

Ўзбекистон мустақил деб эълон этилган кунг барча биз — турки- стонликларни кўча-кўйда ҳам, уйлارга келиб ҳам табриқлашди. Жомега йилгиланг намозхонлар жамоати ҳам муборакбод этди. Шуларнинг ўзи бизга бўлган энг олий ҳурмат бел- гиси эмасми!

— Йўқ, масам, Кўкон сифарига кет- ган экансиз. Сир бўлмасе айтинг, кўзлаган маъсидингизга эришдингиз- ми?

— Яна гапни олисроқдан бошла- сам. 1988 йилда «Ватан» жамиятидан тақлифнома олдим. Менда жон борми? Қанот боғлаб учдим. Уша йили қидириб Абдурахим укамни топдим. 57 йил оравдан ўтган бўлса ҳам танқидим. Излаб «Қизил қақир» қишлоғига бордим. Эшини тақри- латган эдим, Абдурахимнинг ўзи чиқди. Абдулхамид билан бир ота- дан эмасми, дарров танидим.

Авал келганимда Тошкентда икита жоме кўрган эдим. Кўконда 320 масжиду мадрасанинг 4 таси бор экан. Иккинчи келишимда Тошкентда ўнлаб жомеалар, масжид- лар очилибди. Муфти ҳазратлари- ни муборакбод этдим. Моваруннахр мусулмонлари қурултойида иштирок этиш бахтига муяссар бўл- дим. Менга ҳам қисқа сўз берди- лар. Туркия ҳусусида сўзладим. Мабуотда чоп этилди. Яна бир шукронма: олтинчи муборак рў- зани Кўконда тугганини ила бахтир- ман.

Кўконда ҳам 50 дан зиёд жоме, мадрасалар очилди. Яна 50—60 таси таъмирланмоқда экан. Сўраганимда Наврўз келишимда катнашдим. Хошим уламолари би- лан суҳбатда бўлдим.

Наврўзи айёнда сўзлаган нотик- лар 14—15 ашли ўсимлардан торти- б 80 ашли кексаларининг ҳам хатини кўрқон қилватларни юборидаги сўзларининг тасдиғи эмасми! Аллоҳ ҳаммамизга товуғи берсин! Наврўз байрами ҳусусида видео- фильми суратга олдим. Туркиядаги элдошларга намойиш этганим, ал- батта.

— Туркиядаги ўзбеклар ҳаёти ҳа- қида ҳам видеофильм олиб келган эмасми...

— Олиб келган эдим. Лекин кўр- сатишнинг иложи бўлмади сира. Уғил тўйи, келин тўйи, унда айтил- ган ёр-қарлар, тўйга келувчилар бари суратга олинган эди. Афғус...

— Ушбу сафарингиза кўнгилнингизга ором берибди-да. Лутфулла оғай!

— О, бисёр! Ораму — Ватан не- лигини, миллат нелигини, турк-ўзбек тилини бирла пухта билсин! Дини- мизга ниҳоятда муҳаббат билан қар- синалар! Чунки динини билмаган инсон тилини билмас; тилини бил- маган инсон миллатини англамас; миллатини билмаган инсон Ватан нелигини билмас...

— Лутфулла ога, илож бўлса фарзандларингиз билан юртга кў- чиб келариндигизми?

— О, бир лаҳза ўйламай! Лекин фарзандларимни — улар туғил- ган Ватан. Мабодо «Уш истақилар билан келсалар. «Уш келибсиз, сафо келибсиз». Мен ҳар йили ик- кон бўлса, уч ой, бўлмасе бир ой юртимда яшамоқ ниётим бордир.

— Ниҳатингизга атинг, Лутфулла оғай! Сизни юртда соғ-саломат кў- риб ҳаммиша бизга исенб этсин!

Сўхбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

ШИРА БОҒЛАГАН СИР ЭМАС

ТУРК рангтасвири ХХ асрга- ча академизм рўҳида ривож- ланиб келган бўлса, кейинги ўн йилликда яшиди. Кўпчи- тўла ғалабага эришди. Кўпчи- тўла мусаввирларнинг иқтидорини 70—80-йилларда ўзини кўр- сатди. Улар геометрик чизма- сатди. Улар геометрик кенг кў- ланини оддийлиги, кенг кў- ланини оддийлиги билан акралаб тура- диган полотнолар яратмоқда- лар. Эрол Эти, Бакир Сами Чимён, Одам Гейч, Сабри Барқалларнинг рангтасвир асарлари ҳозирги замонаги авангардизмининг ёрқин наму- наларидир. Мақмад Гулёр, Эргин Инон, Эрдоя Олонтар, Аднан Туронларнинг яратган асарларида кўпроқ кўна турк хусниҳати ёдгорликларига, миннатпояга мойиллик сези- лади.

Турк рангтасвири ва графич- касида сурреализм билан экс- прессионизм бир-биринга қў- шилиб кетгандек гўё. Уларнинг чизилиш маҳорати ниҳоятда юксак, мураккаб компо- зиция ҳамда ажойиб образлар яғли авлодда кучли таъсурот қолдиришди. Ниҳат Қақрамон- нинг «Янги кун», Билол Эрдоя- нинг «Соғ», Мақмад Гул- ёрнинг «Даладеги аёл», Хусейн Билгиннинг «Табият мўъжиза- си» картиналари ана шундай маҳорат билан яратилган по- лотнолардир. Мустафо Пле-



Тоҳир ЙУЛЧИЕВ.

СУРАТЛАРДА: Вурал Ур- дақулнинг «Қизил тоғли хў- роз», Мустафо Плевнелининг «Кибел — она маъбуд» асарларидан кўчирилган сурат.

* Турк ошуқлари ижодидан

Туркияда алоҳида аъзога сазовор ижодкорлар борки улар «ошуқлар» деб назат- ланадилар. Ошуқлар бизнинг бахшиш-шоирларимиза сингариниҳоятда дилбар шеърлар, достонлар ижод этганлар. Ўзбек халқ оғзани ижодидаги термалар, кўшиқлар ошуқлар ижоди билан шу- чалар уйғун, ҳамоҳангки, ҳайрон қолади киши. Бу ҳол ҳам турк ва ўзбек халқ- ларининг томири бирлигидан ёрқин далоятдир.

Вутун турк ошуқлари ижодидан намуналар билан оқшомхонларимизни таниш- тирамиз.

Юнус ЭМРО.	Пир СУЛТОН АБДАЛ.	Ошиқ УМАР.
Жамолинг	Жароҳат топди	Бермасман
Жамолинг нуридан яшнади гулшан,	Жаллод вайрон этди уйинини бу кун.	Кетма, кетма, инон,
Булбуллар қўшиғи ингради шўх-шан	Борлигим, юрагим	Рақибга жисининг ой,
Қалбим ишқ майига тўлди лаймо-лим.	жароҳат топди Тош ёнғир остинда турарман беун	дунб,
Қўшиғу лаязат-ла, бандир жисму тан.	Ворлигим, юрагим жароҳат топди.	Жаниятга, дунёга ҳаргиза бермасман.
Сўрадинг: қайғудин овоз от мани,	Вилдям, ким дуст, ким душманни эрур,	Қулигиман, ўзга бир тақдир истамам,
Жавоби: дардинга бормукин маскан?	Ким босган қаданям	Итоат этайин, пойнида санам.
Кимки, қалбига ишқинг меҳмондир,	Учлаб-ла юрур, Мен гуяроҳ, амалга рубуру турур,	Остонаг — жаннат,
Ул бошдин оёқ ёнғай, нақ гулхан.	Борлигим, юрагим жароҳат топди.	гувоҳ — бул олам,
Хусе ўти ҳафтидан куярсан, Юнус,	Фақат Дуст куямасин мени ҳеч маҳал, нақ гулхан.	Илоҳин эурсан
Парвона ёнғайдир оловга пайванд.	Варига чидағай Пир Султон Абдул — Егилсин тошбурун, дўз-ла галма-гал,	Билгиз — бермасман.
	Борлигим, юрагим жароҳат топди.	Ишқинга аспирен, васлинг — тилганим.
		Неки бойлигин бор — олғид, малагим
		Шоҳларга сени қора кўз — бермасман!
		Туркчадан тарбияна.

